

9. “Бобурнома” нашрлари / Захириддин Мұхаммад Бобур энциклопедияси / Бош мұхаррир Альзамов А. –Тошкент: “Sharq”, 2014, 168-169 бб.;
10. Бобур Захируддин Мұхаммад. Куллиёт. 4-6 жилдер. Бобурнома /Нашрга тайёрловчи Кенжабек М. Тошкент: “Zilol buloq” нашриёти, 2021.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ АРАБЛАРИНИНГ ТАРИХШУНОСЛИГИ

Шерзод А. Искандаров

Тошкент тиббиёт академияси
Ижтимоий фанлар кафедрасы доцент
Ўзбекистон

МАҚОЛА ХАҚИДА

Калит сўзлар: Тарих, этник тарих, элат, этномаданий, этно-демографик, ментал, тил, сайд, араб, уй-жой, хунармандчилик, кийим-кечак, гилам.

Аннотация:

Мазкур мақолада Марказий Осиё арабларининг этномаданий идентиклигини шаклланишига доир тарихшунослик ва манбашунослик масалаларига доир адабиётлар таҳлил қилинди.

ИСТОРИОЛОГИЯ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКИХ АРАБОВ

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: История, этническая история, этническая, этнокультурная, этнодемографическая, ментальная, язык, сейид, араб, жилище, ремесла, одежда, ковер.

Аннотация:

В данной статье проанализирована литература по вопросам историографии и источниковедения по формированию этнокультурной идентичности среднеазиатских арабов.

HISTORIOLOGY OF THE CENTRAL ASIAN ARAB

ABOUT ARTICLE

Key words: History, ethnic history, ethnic, ethnocultural, ethno-demographic, mental, language, Sayyid, Arab, housing, crafts, clothing, carpet.

Abstract:

This article analyzed the literature on the issues of historiography and source studies on the formation of the ethno-cultural identity of the Central Asian Arabs.

Марказий Осиёга арабларни келиб жойлашув тарихи, уларнинг этник ва ижтимоий қатламлари, ижтимоий-иктисодий ахволи, турмуш-тарзи ва урф-одатлари түғрисидаги дастлабки маълумотларни бир қатор олимларни асарларида таъкидлаб ўтишган. Шундай олимлардан Балазурӣ, ал-

Истаҳрий, Абу Райҳон Беруний каби Шарқ алломаларининг асарларида ўз аксини топган¹. Юқоридаги олимларнинг бирган фикр-мулоҳазаларига жуда ҳам диққатга сазовор ҳисобланади. Улар ўша даврнинг, ижтимоий-сиёсий жараёнларни ва воқеликларни таҳлили қилишган. Улар турли халқлар ва элатлар, жумладан, араблар ҳақидаги маълумотларни ҳам қайд қилишган.

Албатта, Мовароуннахрнинг араблар томонидан истило этилиши ва минтақада ислом динининг ёйилиши борасидаги тарих, манбашунослик тадқиқотларида келтирилган кўплаб, маълумотлар илмий истеъмолга жалб этилган. Ушбу мақолада XIX асрнинг иккинчи ярмидан ўлка халқлари ҳақидаги дастлабки илмий тадқиқотлар, статистик тўпламлар, этнографик кузатувлар асосидаги кундаликлар, расмий ҳисботлар ва советлар даври ҳамда Ўзбекистон мустақиллиги йилларида тарихий, махсус этнографик тадқиқотларда Марказий Осиё хусусан, Ўзбекистон ҳудудида арабларнинг тарқалиши, жойлашиши, этник тарихи, урф-одат ва маросимлари, хўжалик-маданий анъаналари ёритилган.

Марказий Осиё, арабларининг тарихи, этник хусусиятлари борасидаги дастлабки илмий тадқиқотлар XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланган. Россия империяси ҳукмронлиги даврида А.Д.Гребенкин, А.П.Хорошхин, А.Кун, Н.А.Маев, И.И.Гейер, В.Л.Вяткин, Д.Н.Логофетларнинг кундалик, ҳисбот ва мақолаларида ўлкада яшаган араблар, уларнинг тарқалиши, анъанавий машғулотлари ҳақидаги маълумотларни қайд этишган². Қуйида ҳавола этилган асарларда келтирилган маълумотлар гарчи айrim чалкашликлар билан берилган бўлса-да, ўша даврда ўлкада яшаган

¹Балазури. Книга завоевания стран / Текст и пер. с арабского Жузе. П. К. – Баку, 1927. – С. 139; Абу РайхонБеруний. Қадимгихалкларданқолганёдгорликлар // Танланганасарлар. 1-том. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 387; Истаҳри. Китабмасолик вал-мамолик. Извлечения / Перевод с арабского Писаревского Л.З// Материалы по истории киргизов и Киргизии. Выпуск 1. – М., 1973;

²Гребенкин А.Д. Мелкие народности Зарафшанского округа // Русский Туркестан. Сборник, изданный по поводу политехнической выставки. Вып. 2. – М., 1872. – С. 110–120; Ўшамуаллиф. Некоторые итоги этнографического исследования арабов Средней Азии. – Спб., 1924; Хорошхин А.П. Сборник статей, касающихся Туркестанского края. – Спб., 1876. – С. 515; Кун А.Л. От Хивы до Кунграда // МСТ. Вып. IV, 1876. – С. 203–222; Маев Н.А. Очерки горных бекств Бухарского ханства // Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник (бунданбўён – МСТК). – Спб., 1879. Вып. V; Ўшамуаллиф. Очерки Гиссарского края // МСТК. – Спб., 1879; Гейер И. Путеводитель по Туркестану. – Ташкент, 1901; Вяткин В.Л. Материалы к исторической географии Самаркандинского вилаета // СКСО. Вып. VII, 1902. – С. 1–83; Логофет Д. Н. Бухарское ханство под русским протекторатом – Т. 1. – Спб., 1911.

арабларнинг этник хусусиятлари, этнографияси, турмуш-тарзи, тил хусусиятлари ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиши мумкин.

XX асрнинг 20-йилларидан Туркистон ўлкаси аҳолисининг миллий, этник таркибини ўрганиш ишлари жадал суръатда бошлаб юборилди. Хусусан, бу даврда Н.Н. Бурикина, М.М.Измайлова, И.И.Зарубин, М.С.Андреев, Е.Д.Поливановларнинг асарларида Марказий Осиё араблари ҳақида статистик маълумотлар берилган³.

XX асрнинг 30-йиллари охири ва 40–50 йилларда Марказий Осиё араблари масаласи нафақат тарихчилар, этнографлар балки тилшунослар, антропологларни ҳам қизиқтириб қўйди. Жумладан, арабларнинг лингвистик хусусиятлари Г.В. Церетели, Н.Н. Бурикина, М.М. Измайлова каби тадқиқотчиларнинг ишларида учрайди⁴. Муаллифлар арабларнинг ўзга этник-маданий муҳитда тил хусусиятларининг сақланиб қолишида уларнинг бошқа халқлар билан узоқ давр мобайнида оила-никоҳ муносабатларида бўлмаганлигига деб хулоса чиқарадилар. Шунингдек, арабларнинг тарихи, этнографияси ва тил хусусиятларини уйғун ҳолда ўрганган И.Н. Винников ва С.А. Волинларнинг тадқиқотлари ушбу мақолада қўйилган масалалар борасида муҳим аҳамият касб этди⁵. И.Н. Винников ишида Бухоро ҳудудида жойлашган йирик араб қишлоқларидан бири Жугари қишлоғида яшаб келаётган араблар этнографияси ва тили таҳлил этилган. В.Л. Воронина эса араб халқларининг

³Бурикина Н.Н., Измайлова М.М. Об экспедиции в Самарканд и Сырдарьинскую область. – Спб.: Известия АН СССР, Географ. общ.-во, 1924; Зарубин И.И. Список народностей Туркестанского края. – Л.: Изд. АН СССР 1925; Ўшамуаллиф. Населения Самаркандской области. Его численность, этнографический состав и территориальное распределение. – Л.: Изд. АН СССР, 1926; Андреев М.С. Некоторые результаты этнографической экспедиции в Самаркандскую область // Известия Туркестанского отд. Русск. Географического общества. – Ташкент, 1924, Ўшамуаллиф. Арабы Бухары и Кашкадарьи и их лингвистика. – Спб.:Этногр. общ. 1924; Поливанов Е.Д. Этнографическая характеристика узбеков. – Ташкент, 1926.

⁴Церетели Г. В. Материалы для изучения арабских диалектов Средней Азии / Записки Института востоковедения АН СССР. – Т. VII. – М–Л., 1939. – С. 254–283; Ўшамуаллиф: К характеристике языка среднеазиатских арабов // Сб. Труды второй сессии ассоциации арабистов. – М.: Л.: Изд-во АН СССР, 1941. – С. 133–148; Ўша муаллиф: К образованию некоторых основных форм глагола в бухарском диалекте / Труды Тбилисского ГУ. – Тбилиси, 1947; Бурикина Н. Н., Измайлова М. М. Некоторые данные по языку арабов кишлака Джугары Бухарского округа и кишлака Джейнау Кашкадарьинского округа Узбекской ССР / Записки коллегии востоковедов. – Т. 5. – Л., 1930. – С. 539–549.

⁵Винников И. Н. Легенда о призвании Мухаммедав свете этнографии / Сергею Федоровичу Ольденбургу. – Л., 1934. – С. 125–146, Ўша муаллиф: Арабы в СССР (Этнография, фольклор и язык) // Советская этнография. – 1941. – №2–3. – С. 147; Ўшамуаллиф: Арабы кишлака Джейнау. – Ташкент, 1944; СПФА РАН. Ф. 1045. Оп. 1, ед. хр. 105; Волин С. А. К истории среднеазиатских арабов / Труды второй сессии ассоциации арабистов. – М.: Изд-во АН СССР, 1941. Ўша муаллиф К истории среднеазиатских арабов // Сб. Труды ИВАН СССР. – М.–Л.: Учгосиздат,1964. – С. 18–41.

уй-жойлари ҳақида тадқиқотлар олиб борган⁶.

XX асрнинг 50-йиллари охири ва 60 – 80-йилларда Марказий Осиё араблари масаласига этнографлар О.А. Сухарева, Б.Х. Кармишева, К.Ш. Шониёзов, С.С. Губаева, Х. Исмоиловлар томонидан эътибор қаратилган⁷. Шунингдек, И.Р. Муллажанов томонидан арабларнинг сони, жойлашган ҳудудлари ҳақидаги маълумотлар берилган⁸.

Айниқса, таниқли этнограф олима Б. Х. Кармишева илмий изланишларининг маълум қисми араблар тарихшунослиги ва этнографиясига тааллуқлидир. Олиманинг қайд этишича, араблар икки республиканинг (Ўзбекистон ва Тожикистон) жанубий минтақаларида кичик гурӯҳлар тарзида яшаб келган⁹. Айнан мазкур муаллиф томонидан Марказий Осиё тарихида арабларнинг тутган ўрни ва араб ҳалқининг анъанавий урф-одатлари, тили, маданияти, тарихи, уларнинг кўчиб келган жойлари, этник номи, уруғлари ва хунармандчилиги, миллий кийимларининг ўзига хос локал хусусияти илмий материаллар асосида қиёсий таҳлил этилган¹⁰.

Амир Темур томонидан Мовароуннахрга кўчирилган аҳоли таркибига эътибор қаратган атоқли элшунос академик К. Шониёзов араблар масаласига ҳам тўхталиб қуидагича ёзади: «XIV–XV асрларда Мовароуннахрда илк ўрта асрлар ва ундан кейинги даврларда келиб жойлашиб қолган араблар ҳам яшар эдилар. Араблар, асосан, Бухоро воҳасида, Бухоро шаҳрида, Самарқанд ва Каттакўрғон атрофларида, ҳозирги Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида

⁶Воронина В. Л. Народное жилище арабских стран. – М.: Наука, 1972. – С. 41–42.

⁷ Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства (историко-этнографические очерки). – Ташкент: Изд-во АН Уз ССР, 1958; Ўшамуаллиф. Квартальная община позднефеодального города Бухары. – М.: Мысль, 1976; Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX – начале XX в (по данным топонимии). – Ташкент:Изд, 1983; Ўшамуаллиф. Население Ферганской долины в конце XIX – начале XX в. (этнокультурные процессы). – Ташкент, 1991.Кармышева Б. Х. Среднеазиатские арабы // Народы Средней Азии и Казахстана. – Т. II. – М.: АН СССР, 1963. – С. 582–598; Шониёзов К. Ўзбекхалқинингшаклланишжараёни. – Тошкент:Шарқ, 2001. – Б. 400; Исмаилов Х. Традиционная одежда арабов Кашкадарьинской области Узбекской ССР // Костюмы народов Средней Азии. – М.: Гл. ред. восточ. Лит-рыи. 1979. –С. 238; Исмоилов Х. Ўзбектўйлари. – Тошкент:Ўзбекистон, 1994. – Б. 140.

⁸Мулладжанов И. Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. – Ташкент: Фан, 1983. – С. 153; Ўшамуаллиф. Население Узбекской ССР. – Ташкент: Фан, 1989. – С. 164.

⁹ Саидов М., Равшанов П. Жайновтарихи. – Тошкент: Абу Али ибн Сино, 1996. – Б. 19.

¹⁰Кармышева Б. Х. Среднеазиатские арабы /Народы Средней Азии и Казахстана. Т. II. – М.: АН СССР, 1963. – С. 582–598.

тарқоқ ҳолда яшашган¹¹.

Анъанавий араб кийимларини тадқиқ қилган этнограф X. Исмоилов араб миллий кийимларини тайёрлаш усуллари, мато турлари, тақинчоқлар, кийим-кечак ва безак турлари түғрисида баъзи маълумотларни таҳлил қилган¹². Умуман олганда, X. Исмоилов ўзининг қўп йиллик илмий-тадқиқотларида арабларнинг кийим-кечакларидағи маҳаллий ва этник ўзига хос локал хусусиятларга оид кўплаб янги маълумотларни илмий муомалага олиб кирган¹³.

И.Р. Муллажановнинг илмий-тадқиқот ишларида ҳам арабларнинг сони, жойлашган худудлари ҳақидаги маълумотлар берилган бўлса¹⁴, Ўзбекистон араблари билан Афғонистонда яшовчи араблар маданиятида, тил хусусиятларида ўхшашик борлиги ҳақида Г.Г. Чикованининг тадқиқотларида маълумотлар мавжуд. Олимнинг фикрига кўра, бу ердаги маҳаллий аҳолининг баъзи сўzlари Афғонистонда истиқомат қилиб келаётган арабларнинг тилига яқин бўлган¹⁵.

Россиялик шарқшунос ва этнологлар Е.А. Резван, М.А. Янес, Е.Г. Царевалар томонидан Ўзбекистон араблари тарихи ва этнографияси, миллий кийим-кечаклари, хунармандчилик анъаналари, гиламларитадқиқ қилинган¹⁶. Шунингдек, Жанубий Тожикистон араблари З.М. Мадамиджанова

¹¹Шониёзов К. Ўзбекхалқинингшаклланишжараёни. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 400.

¹² Исмоилов Х. Традиционная одежда арабов Каракалпакской области Узбекской ССР // Костюмы народов Средней Азии. – М.: Гл. ред. восточ. Лит-рыи, 1979 – 238 с.

¹³Исмоилов X. Ўзбектўйлари. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 140 с.

¹⁴Мулладжанов И. Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. – Т.: Фан, 1983. – 153 с; Ўшамуаллиф. Население Узбекской ССР. – Т.: Фан, 1989. – 164 с.

¹⁵ Чиковани Г. Г. Морфологическая структура Каракалпакского диалекта арабского языка. АКД. – Тбилиси, 1988, Ўша муаллиф: Некоторые вопросы истории и языка среднеазиатских арабов // Россия и арабский мир. Вып. 3. – СПб. 1988. – С. 112–118.

¹⁶Резван Е.А «Коран Усмана». (Санкт-Петербург, Катта-Лангар, Бухара, Ташкент) Т.1. = "TheQur'anof 'Uthman". (St Petersburg, Katta-Langar, Bukhara, Tashkent). Vol. 1 / Е.А. Резван; РАН. Музей антропологии и этнографии им. Петра Великого (Кунсткамера), Институт востоковедения (С.-Петербург). – Спб.: Петербургское востоковедение, 2007. С. 51; Ўша муаллифJeupov-Мы пришли. (Каталог выставки) – Спб.: МАЭ РАН, 2004. – С 13; Янес М.А. Материалы музеиных, библиотечных и архивных собраний Санкт-Петербурга как источник по истории и этнографии арабов бассейна Каракалпакии (Узбекистан):Автореф.дис... канд. ист. наук. – Спб, 2010. – С. 343; Царева Е.Г. Образы и знаки в традициях Южной и Юго-Западной Азии. – Спб.: МАЭ РАН, 2015. – 548 с. Царева Е.Г. Ковроделие арабов южных районов Узбекистана: конец XIX — начало XXI в. (по коллекциям МАЭ и РЭМ) // Сборник Музея антропологии и этнографии – М.: Спб, 2015. – С. 270-358.

ва В.И. Бушковлартомонидан ўрганилган¹⁷.

Марказий Осиёда яшовчи араблар борасида тарихий, этнологик, социологик, этносоциологик тадқиқотлар ҳамда илмий-оммабоп нашрлар юзага кела бошлади. Мазкур илмий изланишларда араблар этномаданий идентиклигининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш учун уларнинг Марказий Осиё худудларида жойлашув хусусиятлари, ижтимоий- иқтисодий жараёнлардаги иштироки, антропологик типи, тили, уларнинг ўзига хос оиласиий урф-одат ва маросимлари ёритилган илмий адабиётларни ўрганишга эътибор қаратилди. Арабларнинг этномаданий таъсири, минтақанинг ранг-баранг табиий-хўжалик мухитидаги адаптацияси, этник, тил ва ментал хусусиятларининг ўзгаришлари масалаларини кенгроқ ёритиш учун мавзу тарихшунослик ва манбашунослик жиҳатдан таҳлилга тортилди.

Тарихчи олим Р. Ражабовнинг тадқиқотларида Марказий Осиё арабларининг этник таркиби ҳамда Араб халифалиги томонидан истило қилиниши натижасида бир гурӯҳ арабларнинг Мовароуннаҳр заминида жойлашиб, кейинчалик ўтроқлашиб қолишлари ва уларнинг кейинги асрларда давом этган ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнлардаги иштироки ёритилган.

Маълумки, бажарилган ҳар қандай илмий тадқиқот кўплаб илмий янгиликларга эга бўлсада, муаммо мутлақ ўз ечимни топган деб айтиш қийин. Холбуки, ҳар қандай илмий мавзу янги-янги фактик материаллар асосида кенгроқ кўламда ўрганилиши керак. Шу маънода тарихчи Р. Ражабов¹⁸ томонидан бажарилган Ўрта Осиё арабларига бағишлиланган тадқиқотдан бизнинг ишимиз қўйидаги жиҳатлари билан фарқланади.

Ўрта Осиёдаги арабларининг этномаданий идентиклиги (этник ўзликни англаши)ни ўрганиш;

¹⁷ Бушков В. И., Мадамиджанова З. М. Арабы Таджикистана: некоторые вопросы этнической истории // Современное развитие этнических групп Средней Азии и Казахстана. – М., 1992. – С. 131–157. Мадамиджанова З. М. Арабы Южного Таджикистана (историко-этнографические очерки). – Душанбе, 1995. – С. 133; Бушков В. И., Мадамиджанова З. М. Арабы Таджикистана в конце XIX–XX. вв. // Этнографическое обозрение. – М., 1998. – № 3. – С. 3–12.

¹⁸ Ражабов Р. Ўрта Осиё этномаданий жараёнларида араблар. – Т.: Янги аср авлоди, 2011; Ўша муаллиф: Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси. – Т.: Шарқ, 2012.

фан йўналишлари доирасидаги ёндашув (этнологик, этносоциологик, этнолингвистик);

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган арабларнинг ўзбеклашувига таъсир этувчи ички ва ташқи таъсирларни ўзига хос хусусиятлари билан фарқланиши;

Ўрта Осиёдаги истиқомат қилиб келаётган арабларнинг анъаналари ва улар ҳаётидаги трансформациян жараёнларга бағишлиланганлиги;

арабларнинг анъанавий хўжалиги, моддий маданияти, оила ва оилавий анъаналари жамиятнинг ижтимоий модернизациялашуви шароитидаги ўзгаришлари тадқиқ этилди.

Мустақиллиги йилларида этно-демографик аспектдаги тадқиқотлар давом эттирилиб, О. Ота-Мирзаев, В. Генштке, Р. Муртазаеваларнинг ишларида араблар сони ҳамда жойлашуви масалалари ёритилган¹⁹.

Араблар ҳақида А. Дониёров, О. Бўриев ва А. Ашировлар ҳаммуаллифлигига нашр қилинган «Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи» номли ўқув қўлланмада Марказий Осиёда яшовчи турли этнослар билан бирга маҳаллий арабларнинг этник тарихи, анъанавий хўжалиги, моддий ва маънавий маданияти ҳамда урф-одатлари борасида қатор диққатга сазовор мулоҳазалар билдирилган²⁰.

Арабларнинг тарихи, этнографияси, урф-одатлари маҳаллий ўлкашунослар томонидан ҳам ёритилган. Масалан, М. Сайдов ва тилшунос олим П. Равшановлар ҳаммуаллифлигига ёзилган «Жейнов тарихи» монографиясида ушбу қишлоқ ва унинг атрофидаги арабларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, умуман олганда, маҳаллий арабларнинг этнографик хусусиятлари илмий оммабоп тарзда ёритилган²¹.

Ўрганилган муаммонинг у ёки бу жиҳатларини ёритишда социолог олим К. Калоновнинг Марказий Осиё ҳудудидаги ижтимоий-диний табақалар

¹⁹Ата-Мирзаев О., Генштке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Т.: Изд-во мед. лит-ры им. Абу Али ибн Сино, 1998.

²⁰ Дониёров А. Х., Бўриев О., Аширов А. А. Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: Yangi nashr, 2011. – Б. 203–245.

²¹ Сайдов М., Равшанов П. Жейнов тарихи. – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1996. – 202 б.

таҳлилига оид рисоласи ва А. Абдуллажоновнинг «сайид» термини таҳлилига бағишланган тадқиқоти катта аҳамият касб этди²².

Шу ўринда америкалик тадқиқотчи Т. Барфильд томонидан Шимолий Афғонистон араблари комплекс тарзда тадқиқ қилинганды²³. Мазкур асарда Ўзбекистон араблари билан Афғонистон арабларини қиёсий таҳлил қилиш жараёнида фойдаланилди. Жанубий Тожикистон араблари этнографиясини тадқиқ этган З. М. Мадамиджанова ва В. И. Бушковлар тадқиқотлари ҳам муҳим аҳамият касб этди²⁴.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИДА ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР (1991 – 1998 ЙИЛЛАР)

Валишер Э. Абиров

Тошкент давлат шарқшунослик университети, ўқитувчи
Ўзбекистон

Е-майл манзили: abirovvalisher@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: этнос, этногенез, этник тарих, этниклик, ўзбек, концепция.

Аннотация:

Мақолада ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига оид 1991-998 йилларда чоп этилган мақолалар, диссертациялар, монография ва рисолалар таҳлил этилади.

RESEARCH ON THE ETHNOGENESIS AND ETHNIC HISTORY OF THE UZBEK PEOPLE IN UZBEKISTAN HISTORIC SCIENCES (1991-1998)

Valisher E. Abirov

Tashkent State University of Oriental Studies, Teacher
Uzbekistan

E-mail address: abirovvalisher@gmail.com

ABOUT ARTICLE

²² Калонов К. Марказий Осиё ҳудудидаги ижтимоий-диний табақалар (диний-экологик ва социоантропологик таҳлил) / Серия «Рабочие документы ИФЕАК» - Document de travail de l'IFEAC, 16-й выпуск, май 2006. – Ташкент, 2006; Абдуллажонов А. Сайд унвонми ёки исмми? // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – №6. – Б. 45–46.

²³ Barfield T. The Central Asian Arabs of Afghanistan Pastoral Nomadism in Transition University of Texas Press, 1983. – Р. 204.

²⁴ Бушков В. И., Мадамиджанова З. М. Арабы Таджикистана: некоторые вопросы этнической истории / Современное развитие этнических групп Средней Азии и Казахстана. – М., 1992. – С. 131–157; Мадамиджанова З. М. Арабы Южного Таджикистана (историко-этнографические очерки). – Душанбе, 1995. – С. 133; Бушков В. И., Мадамиджанова З. М. Арабы Таджикистана в конце XIX–XX. вв. // Этнографическое обозрение. – М. 1998. – № 3. – С. 3–12.